

Амир Темур Шахси Ва Унинг Сиёсатини Ўрганишда Махаллий Ва Чет Ел Олимларининг Фикр Ва Мулохазалари

Боқиев Шерхон Убайдулло ўғли¹, Мирзаёров Шахзод Отабек ўғли², Бекмурадов Шахзод Хасан ўғли³

Аннотация: Амир Темурнинг қандай шахс ва давлат арбоби бўлганилиги, ҳамда унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, салтанат тараққиёти йўлида амалга оширган ислоҳотлари борасида унинг замондошлари ҳам, кейинги давр олимлари ва сиёсатчилари ҳам ўз фикрларини баён этганлар. Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари миллий давлатчиликимиз тарихида нафақат етти иқлим султони сифатида, балки юрт ободончилиги ва халқ фаровонлиги йўлида бор куч-ғайратини сафарбар этган буюк давлат арбоби сифатида қолади. Дунёнинг турли мамлакатларида таникли давлат ва жамоат арбоблари, олимлар ва адиллар ўз ижтимоий-сиёсий, илмий ва ижодий фаолияти давомида буюк аждодларимиз, хусусан, Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳон цивилизацияси ва маданияти ривожига қўшган муносаби юксак эътироф этиб келади.

Калит сузлар: Амир Темур, «Ажоиб ал-мақдур», Ибн Арабшоҳ, И. Ю. Крачковский, “Зафарнома”, В. В. Бартольд, Якубовский А.Ю, Шарафиддин Али Яздий, М.И.Иванин, Т.Файзие, Сайдов А, Керен Л, Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур.

Амир Темур, Темур, Темурбек (тўлиқ исми Амир Темур ибн Амир Тарағой ибн Амир Баркул) [1336.09.04, Кеш (хозирги Шахрисабз) шаҳри яқинидаги Ҳожа Илгор қишлоғи (хозирги Яккабог тумани) — 1405.18.02, Ўтрор шаҳри, Самарқандда дағн этилган] — ўрта асрнинг йирик давлат арбоби, буюк саркарда, кучли, марказлашган давлат асосчиси, илм-фан ва маданият ҳомийси .«Ажоиб ал-мақдур» да ҳали тадқиқотчилар дикқатидан четда қолган илмий, тарихий, жуғрофий, маданий аҳамиятга молик талайгина маълумотларнинг мавжудлиги учбу асарнинг турли соҳа мутахассислари, жумладан, тарихчилар, географлар, санъатшунослар, тилшунослар томонидан янада чуқурроқ ўрганилишини тақозо этади. Бунинг амалга ошишига эса, бизнингча куйидаги сабаблар салбий таъсир кўрсатмоқда: бир томонидан, ҳанузгача «Ажоиб ал-мақдур»нинг Ватанимиз ҳалқлари тилларидан бирортасига ҳам тўлиғича таржима қилинмаганлиги бўлса, иккинчи томондан асарининг гоятда мураккаб тил ва нафис услубда ёзилганлиги ҳар хил соҳа мутахассисларининг ундан бемалол фойдаланишига маълум даражада нокурайлик туғдиради. Дарвоке, Ибн Арабшоҳ асарининг шу пайтгача илмий асосда бажарилган мукаммал таржимаси йўқлигига ҳам, академик И. Ю. Крачковский таъбири билан айтганда, унинг «бадиий нағислиги айбордир» (И. Ю. Крачковский, Избр. соч. т. IV, 513-бет)Ўрта Осиё ҳалқлари тарихининг XIV аср охири ва XV аср биринчи ярмига оид даври хилма-хил йўналишда ёзилган тарихий манбаларнинг кўплиги билан характерланиб, уларнинг аксарияти бизгача етиб келган. Шу боис, академик В. В. Бартольд бу давр тадқиқотчиси «материалларнинг танқислигидан эмас, балки кўплаб кутубхоналарга тарқалиб кетган, танқидий ёндошиш, энг аввало танқидий нашр этишни тақозо этадиган материалларнинг кўплигидан кийинчилликка дуч келади», деб таъкидлаган эди.(В. В. Бартольд, Соч. т. II (2), 199-бет.) Мовароуннаҳр ҳокимлари Тўғлук- Темурхонга карши бирлаша олмадилар ва ҳар томонга қоча бошладилар. Ҳожи Барлос ҳам душман етиб келмасдан олдиноқ Ҳурросонга жўнашни маъқул топади. Лекин Амир Темур Ҳожи Барлосдан фарқли ўлароқ, юртни ўз ҳолига ташлаб кетишга кўнмайди. Соҳибқироннинг мақсадлари Амир Ҳожи Барлосга айтган куйидаги сўзларида ҳам намоён бўлади: “Агар мамлакат ҳокимсиз қолур бўлса, унинг авзойига сўзсиз кўп заҳмат етгай, эл ва улус эрса, ғанимлар қаҳри ва босқинчилги зиёнидан бутунлай хонавайрон бўлгай.... Мен Кеш тарафга қайтсан, улусга таскин бераб, ул ердан хон хизматига ўтсан, амирлар ва аркони давлат билан кўришсан токи виляят ҳароб бўлмасин” Шарафиддин Али Яздий. Темур тарихини ёзган Низомуддин Шомий ўз “Зафарнома”сида Самарқанд кўзғолони ҳакида жуда кам гапирган бўлса-да, кўзғолончиларнинг кимлардан иборат эканликларини аниқ ибора билан ёzáди. “Мавлонозодаи Самарқандий, Мавлоно Ҳўрдаки Бухорий ва Абубакр Наддоф,—ҳар учаласи бошлиқ бўлиб, ёвуз, кишилар буларнинг ёнида тўпланган эдилар.(Низомиддин Шомий. Зафарнома /Форс тилидан ўғириувчи – Ю. Ҳакимжонов, таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва маъсул мухаррир – А. Ўринбоев, изоҳлар ва лугатларни тузувчи – Ҳ. Кароматов (жуғрофий номлар изоҳи – О. Бўриевники), Ҳофизу Аброни «Зафарнома»га ёзган «Зайл»и(«Илова»)ни форсийдан ўғириувчи ва изоҳларини тузувчи – О. Бўриев -Т.: Ўзбекистон, 1996. Б. 50.) Хоразм Тўхтамишхон учун Амир Темурнинг ҳам марказлаштирилган давлат тузиш, ҳам Эронни истило қилиш йўлидаги ҳаракатларига ҳалакит бериши мумкин бўлган қулай худуд эди. Бу ҳақда Якубовский шундай фикр билдиради: «Сулаймон Сўфи қатъий равишда Тўхтамишхон тарафига ўтди. Темур бўлиб ўтган воқеаларни хисобга олиб, шуни яхши англадики, Тўхтамиш фақатгина унинг Эронга нисбатан босқинчиллик ниятларига жиддий хавф

¹ Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Тарих факултети талабаси

² Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Тарих факултети талабаси

³ Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Тарих факултети талабаси

туғдирибгина колмасдан, балки Мовароуннахни бирлаштириш ишига ҳам таҳдид солмоқда эди. Шунинг учун ҳам у Тұхтамишга қарши ҳал қылувчи ҳаракатларни бошлаш вакти тұла етилди, деб хисоблади. Темурнинг бу йұналишдаги бириңчи қадами Хоразмга қысқа муддатли бешинчи юриши бўлиб, хоразмликлар ва уларнинг шоҳи Сулаймон Сўфии хиёнатлари учун жазолаш ниятида амалга оширилган эди. (Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и её падение. -М.-Л., 1950. С.334.) Асир олинган түрк султонининг Темур саройидаги ҳаёти кўплаб тарихчиларнинг эътиборини жалб қылган. Жумладан, рус тарихчиси В.Н. Татищев Амир Темурнинг Туркия султони Боязидга қарши юришлари ҳақида сўзлар экан, Соҳибқироннинг ғалабаси билан тугаган Анқара жангидаги асир олинган түрк султони қафасга солиниб, ғолиб Темур билан бирга олиб юрилганлиги тўғрисидаги афсонавий маълумотларни келтиради. Шу ўринда, айнан шу афсона ҳатто ҳозирги кунга қадар Европанинг ҳам илмий, ҳам бадиий адабиётида кенг тарқалганлигини эслатиб ўтиш лозим. Амир Темур билан боғлик шунга ўхшаш бошқа ривоятлар ҳақида тарихчидан олим Т. Файзиев ҳам маълумот беради (Файзиев Т. Темурийлар шажараси-Т.: Ёзувчи, 1995. Б. 35.) Лекин, кўпгина ишончли тарихий манбалар, жумладан, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида бу воқеа қуйидагича баён қилинади: “...Йилдирим Боязидни даргоҳи олампаноҳга келтурдилар. Соҳибқирон фармонладиким, “илкини ечиб, ҳурмат била келтурсунлар!” Бас, ани ҳазрат қошида иззат билан келтуриб, ҳазрат ани кўриб, кўп иззат тутиб, ўз қошида ўлтургузди... Йилдирим Боязид учун подшохона оқ уй тикиб эдилар. Соҳибқирон Йилдирим Боязидга иноят ва шавкатлар килиб, ҳар кун анга ўз қошида келтуруб, сухбат тутиб, кўнгул берур эди.”(Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома -Т.: Шарқ, 1997. Б. 261) М.И.Иванин 1836-1845 йилларда “О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингизхане и Тамерлане” (“Мўғул-татарлар ва Ўрта Осиё ҳалқарининг Чингизхон ҳамда Темур даврларидағи ҳарбий санъати ва истилолари ҳақида”) номли асарини ёзиб, “Военный журнал”да чоп эттирган эди. М.И. Иваниннинг мазкур асари 1875 йилда Санкт-Петербургда Баш штабнинг ҳарбий-илмий комитети томонидан нашр эттирилади. Китобга генерал-лейтенант князь Н.С. Голицын масъул муҳаррирлик килган ва сўзбоши ёзган эди Асар сиртдан қараганды Чингизхон ва Амир Темурнинг ҳарбий санъати, уларнинг истилолари тарихини ўрганишга бағишиланган.(Иванин М. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур -Т.: Фан, 1994. Б.4.) Тарихчи олим Т.Файзиев Амир Темур ҳарбий назарияси сабиқ иттифок ҳарбий академияларида 500 соат маҳсус курс сифатида ўқитилганлигини таъкидлайди. (Файзиев Т. Темурийлар шажараси –Т.: Ёзувчи, 1995. Б.42.) Амир Темур кўшинларни ташкил этишда муҳандислик ҳарбий қисмларига ҳам катта аҳамият берган. Ҳудди шу хислатни темурийларнинг ҳарбий юришларида кўплаб учратиш мумкин. Бобур мирзонинг Ҳиндистонни маҳв этиш чоғида жуда кўплаб дарёларни кўчма кўприклар ёрдамида кечиб ўтганлиги ва душман устига кутилмаганда бостириб бориш имкониятига эга бўлганлиги маълум. Амир Темурнинг ҳарбий тактикасини европаликлар яхши ўрганганликлари ва ўзлари ҳам кўллаганликларини қўйидаги мисолда кўришимиз мумкин. М.И. Иванин таъкидлаган, Амир Темур Боязидга қарши жангда грегориан оловини отувчи мосламаларни филлар устига ўрнатиб жангга киригтанлиги кейинчалик инглиз қўшиллари 1858 йилги Дехли шаҳрида бўлиб ўтган сипохийлар қўшилларининг қўзғолонини бостириш чоғида кўллайдилар. Улар Дехли шаҳрини штурм қилиш чоғида тўпларни туялар ва филлар устига ўрнатиб жангга киригтанлар ҳамда ғолиб чиқканлар. (Янги тарих –Т.; Ўқитувчи, 1991. Б. 232.) Амир Темур қўшиллари жангларда доимий равиша ғолиб чиқиб, енгилмас қўшин сифатида машҳур бўлишига қарамай, Соҳибқирон ўз лашкарини жойлаштиришда, ҳарбий сафарга чиқилган вактда никоятда эхтиёткорлик билан ҳаракат қиласди. М.И. Иванин Амир Темурнинг қўшинни лагерда жойлаштириш тўғрисидаги тузукларини ҳам баён қиласди. Бу тузуклар қўшинни тўсатдан қилинадиган хужумлардан сақлашга қаратилган эди, чунки ўша даврда Шарқ ҳалқларида тунги хужум — шабиҳун уруш усули жуда кўп қўлланиларди. Шунингдек, ҳарбий сафарга чиқилган вактда ҳам асосий кучларни кучайтирилган коровул қисмлар кўриклаб бораради. Айнан шу ўта эхтиёткорлик сабабли Миср султони қўшилларининг Дамашқ яқинидаги Амир Темур қўшилларига тўсатдан хужуми кутилган натижани бермади. Аксинча, хужум қилган томоннинг ўзи батамом тор-мор келтирилиб, султон қўшиллари Мисрга қочиб кетдилар. Ибн Арабшоҳ жанг оқибати ҳақида шундай ёзади: “Миср аскарлари қочишига азм қилган бўлиб, уларда на саботу, на қарор қолган эди.(Ибн Арабшоҳ Амир Темур тарихи.1-китоб.-Т.: Мехнат, 1992, Б. 222.) Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур илм-фанга ҳомийлик қиласди, олимлар билан ҳалқлар тарихи ва буюк хукмдорлар таржимаи ҳоли ҳақида сухбатлар уюштиришни хуш кўрар, ўтган даврдаги буюк шахсларнинг ижобий ишларига тақлид қиласди, ҳатоларини қайтармаслик учун уларнинг муваффакиятсизликларини кунт билан ўрганар эди деб ёзганлигини инобатга олсақ, муаллифнинг юқоридаги фикри тўғри эканлигига ишонч ҳосил қиласмиз. (Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 1-китоб. -Т.: Мехнат. 1992. Б. 227) Шарафуддин Али Яздий шундай ҳикоя қиласди: “Отасининг замонидаги маълум муддат Самарқандда яшаганлиги ва ул фирмавиши диёрнинг боф-бўстонлари ёқиб қолганлиги сабабли, давлати байробининг маркази ўша ерда бўлишини истади. У Самарқандга йўл олди.... Амир Кутлу ва бошқа амирлар ҳамда отасининг аркони давлати насиҳат ила хайриҳолик билдириб, ота юртни ташлаб кетиши ақлга тўғри келмаслигини қанчалик уқтирасинлар, фойда бермади (Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Моварунахр воқеалари (1360-1370) - Т.: Камалак, 1994. Б. 58.) Ибн Арабшоҳнинг Соҳибқирон тўғрисидаги мана бу фикрига эътибор қаратамиз: “Ўзининг мураккаблиги билан энг зукко инсонларни ақлдан оздирадиган, узокни кўра биладиганларни кўр, доноларни нодон, давлатмандларни хор ва баландларни паст қиладиган энг гаройиб ёхуд энг оғир синовлардан бири – бу Магрибу Машрикни титратган фотихлар сардори Темурнинг ғаройиб саргузаштларидир (Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур: Темур тарихида тақдир ажойиботлари / Сўзбоши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи У.Уватов. – Т.: Мехнат, 1992. I китоб. (Муқаддимасидан олинган).Амир Темур адолатли, маърифатли давлат арбоби бўлиб, аввалги давлат тузумларидан, яхши хабардор эди. У Чингизхон Ясосини ҳам, шариат қонунларини ҳам, қолаверса, Салжук султонлари давлатининг маърифатли вазири Низом ул-Мулкнинг “Сиёсатнома” асарини ҳам жуда яхши биларди (Хидиров С.М. Амир Темур

давлатининг ташкил топиши ва давлат тузуми. Юридик фанлар номзоди... Дисс. – Т.: 2002. – Б.67) Академик А.Сайдов: “Амир Темур ўз давлатини ҳар қандай кутилмаган воқеалардан саклашни, ҳимоя қилишни билган. Давлатини кучли ва мустаҳкам, ҳалқини баҳтли ва унинг ҳаётини фаровон қилишни улдалай олган. У ўз олдига кўйган мақсадларига қатъийлик билан эришган. Шунинг учун ҳам у ўша даврда дунёдаги энг кучли салтанатга эга бўлган дея таъкидлаб ўтган.(Сайдов А., Керен Л. Амир Темур ва Франция. – Т.: Адолат, 2016. – Б.48.) Низомиддин Шомийнинг ёзишича: “Амир Соҳибқирон оқилона мумомала ва ширин сўзлар билан оқил киши ва комил хирадманд теран фикру дониш билан қувватланар экан, у тил тиги билан шу қадар (кўп) дину давлат ишларини бажара оладики, мингта жангчи ўткир шамшир билан уларнинг ўндан бирини ҳам амалга оширомайди (Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 39.) Фиёсиддин Алининг ёзишича: “Пок Аллоҳ бизга шундай давлат раҳбарини ато этдики, у ўзининг ҳамма ёқни қамраб олувчи комиллиги билан дунёнинг Шарқ ва Фарбини шундай улуг инсон (Амир Темурга) бердики, (топширдики) унинг баҳтли интилиши, ўз вўл остидагиларнинг баҳтиёрганини ўйлар эди ва Эрон ва Турон мамлакатлари ва жойларини ўзининг жаҳонни эгалловчи байроби остида бирлаштириди. Чунки унинг олийжаноб фикри фақат ушбу мамлакатларнинг хавфсизлиги ва доимий тинчлиги тўғрисида бехад йўналган эди” (Гийасиддин Али. Дневник похода Тимура в Индию. – М.: 1958. – С.11-12.) Амир Темур шахсиятининг шаклланиши ва камолот даражасига етиб боришида унинг отаси Тарагай Баҳодир, биринчи устозлари ва маънавий муршиidlари асосий рол ўйнаганлар. Манбаларда таъкидлашича унинг биринчи ўқитувчиси Мулла Алибек бўлган. Ундан кейинги устози Шайх Шамсуддин номли олим бўлган. Темур улардан бошланғич илмларни, айни ҳолда ҳарбий фанлар ва тактикаларни ўрганиш билан шуғулланиб ўз олий истеъоди билан ўқитувчиларни ҳайратда қолдирган ва Куръони Каримни ҳафз этган. (А.Ш.Жузжоний. Амир Темур давлатида қонун устуворлиги. Амир Темур сабоклари // “Амир Темур ва унинг марказлашган давлат тузиш йўлидаги буюк хизматлари” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: Шарқ, 2001. – Б.16.) Амир Темур ўз империясини бошқариш ва янги-янги мамлакатларга юриш қилиш учун туну кун ўйлаган, турли тадбирлар ва чоралар ахтарган. У доимо изланишда бўлган. Энг муҳуми шундаки, у имкони борича қилич ишлатмасдан, давлатлар ўртасидаги масалаларни чораю тадбир билан ҳал қилишга ҳаракат килган. Бу фикр “Тузуклар”да асосий ғоя сифатида деярли ҳамма бобларда мавжуддир. У қўл остидаги одамларни, мамлакатларни идора этиш учун кўп ўйлади, доно кишилар билан маслаҳат қилди. (Б.Ахмедов. Соҳибқирон Темур. – Т.: Абдулла Қодирий, 1996. – Б. 22.) Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев бу ҳақда сўз юритиб, “Адолат ҳалқимиз учун 54 азал-азалдан тинч ва фаровон ҳаёт мезони, барча эзгуликлар манбаи бўлиб келган. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз “КУч - адолатда” деган ҳикматга амал қилиб, давлат бошқарувини ташкил қилиш, эл-юртнинг тинчлиги ва ободлигини таъминлашга эришгани тарихдан яхши аён” деганлар. (Мирзиёев Ш.М. Миллий тараккиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз // Конун ва адолат устуворлигини таъминлаш – барча эзгу мақсадларимизга эришишнинг энг муҳим шарти. Т.1. – Т., 2017. –Б.426.) А. Сайдов ва Л. Кереннинг фикрича, «бу элчининг исми шарифи турли асарларда ҳар хил ёзилади: бир хил манбаларда «Муҳаммад ал-Қози» бошқаларида «Муҳаммад ал-Хожи». Г. Ле Странж «Хожи Муҳаммад» деб ёзган. Клавихо «Кундаликлар»ининг ҳар икки русча таржимасида элчининг оти ҳеч бир асосиз «Магомет Алгаги» деб берилган. Шу каби хатолар бошқа манбаларда ҳам учрайди. «Муҳаммад Эл Кеший», яъни кешлик Муҳаммад дейиши тўғридир. Бу эса Шарқда кабул килинган исм қўйиш қоидаларига мос келади (Керен Л., Сайдов А. Амир Темур ва Франция. – Т.: Адолат, 1996.– Б.57.) Арготе де Молина Амир Темурнинг Генрих III га элчи Муҳаммад Хожи орқали юборган хатининг тўла испанча матнини эълон қилган. Бу хат Клавихо хотираларининг 782 йили Мадрида Антонио де Санча чиқарган нашрига илова қилинган Арготе де Молинанинг «Қисқача кириш сўзи»да келтирилган. Хатнинг асл нусхаси Испания архивларида сақланмоқда (Исматулла X. Амир Темур ва хорижий дунё // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1995. – 22 сент.) Л. Керен айтишича, «ўша даврда Темур яна Франция, Англия Генуя ва Венеция подшолари олдига фавқулодда элчи қилиб, насроний тақводор, Султония архиепископини юборган. У юксак ҳурмат-этиром билан Константинополь ва Кастилия элчиларини қабул қилган. Афсуски, бу алокалар Темур вафотидан кейин барҳам топган. Темурнинг мақсади Ипак йўли деб аталмиш савдо йўлени бутун Оврупога чўзишдан иборат бўлган. Ўз зафарлари билан Темур шу йўлларнинг ташкилотчиси ва сохиби бўлга (Керен Л., Сайдов А. Амир Темур ва Франция. – Т.: Адолат, 1996.– Б.– 57–58) “У хоинлар, сотқинлар, извогарларни ёқтирамаган, уларга ишонмаган бўлса, ростгўй, содик хизматчилар, жангчиларни қадрлаган ва уларга иззат-этиромлар кўрсатган. Улуг саркарданинг одамларга, давлат мулозимларига ана шундай 65 эътибор ва хушёрлик билан қараши унинг шон-шуҳратининг, давлатининг янада юксалишига сабаб бўлди. (Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур / сўзбоши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи У.Уватов. – Т.: Мехнат, 1992. I китоб. – Б. 121) Амир Темур жамоат хавфсизлигини таъминлашда инсонларни тушуниш, барчага баробар бўлиш ва ҳалқ манфаатларини инобатга олиш тарафдори бўлган. Раҳбардан ўзи идора этиб турган жамоанинг руҳий кайфиятини, ички кечинмаларини етук билишни талаб этган. Шу сабабли, у ҳар бир ўлка ҳалқига: “Уларнинг мижозларига, табиятига тўғри келган, ўзлари тилаган одамларни уларга хоким қилиб тайинладим”, - деб ёзган эди. Элдаги ички тартибларнинг сақланиб туриши, ҳалқ ва бошчининг бир-бирига инок бўлиши элнинг тинчлиги ва ободонлашишининг манбаи деб ҳисоблаган Амир Темурнинг давлатни бошқариш ишларига юкорида айтиб ўтганимиздек, инсон руҳияти ҳакидаги тажрибалари катта ёрдам берди (Бобоев X. Амир Темур ва темурийлар салтанати. - Т.: Камалақ, 2006. – Б. 199.)

Фойдаланилган Адабиётлар рўйхати

- И. Ю. Крачковский, Избр. соч. т. IV, 513-бет
- В. В. Бартольд, Соч. т. II (2), 199-бет.

3. Низомиддин Шомий. Зафарнома /Форс тилидан ўгирувчи – Ю. Ҳакимжонов, таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва маъсул муҳаррир – А. Ўринбоев, изоҳлар ва лугатларни тузувчи – Ҳ. Кароматов (жугофий номлар изоҳи – О. Бўриевники), Ҳофизу Абруни «Зафарнома»га ёзган «Зайл»и(«Илова»)ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларини тузувчи – О. Бўриев -Т.: Ўзбекистон, 1996. Б. 50.
4. Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и её падение. -М.-Л., 1950. С.334
5. Файзиев Т. Темурийлар шажараси-Т.: Ёзувчи, 1995. Б. 35
6. Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома -Т.: Шарқ, 1997. Б. 261
7. Иванин М. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур -Т.: Фан, 1994. Б.4
8. Файзиев Т. Темурийлар шажараси –Т.: Ёзувчи, 1995. Б.42
9. Ибн Арабшоҳ Амир Темур тарихи.1-китоб.-Т.: Мехнат, 1992, Б. 222.
10. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Моваруннаҳр воқеалари (1360-1370) - Т.: Камалак, 1994. Б. 58
11. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур: Темур тарихида тақдир ажойиботлари / Сўзбоши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи У.Уватов. – Т.: Мехнат, 1992. I китоб. (Муқаддимасидан олинган).
12. Хидиров С.М. Амир Темур давлатининг ташкил топиши ва давлат тузуми. Юридик фанлар номзоди... Дисс. – Т.: 2002. – Б.67
13. Сайдов А., Керен Л. Амир Темур ва Франция. – Т.: Адолат, 2016. – Б.48
14. Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 39
15. Гийасиддин Али. Дневник похода Тимура в Индию. – М.: 1958. – С.11-12
16. А.Ш.Жузжоний. Амир Темур давлатида қонун устуворлиги. Амир Темур сабоклари // “Амир Темур ва унинг марказлашган давлат тузиш йўлидаги буюк хизматлари” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: Шарқ, 2001. – Б.16